

2.2.3. "Буюртмачи"ни "Ташвиш" сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади, уларга йўриқнома беради.

2.2.4. Хар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси "Буюртмачи"га берилади.

2.2.5. "Ташвиш" сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, капитал таъмирлашни амалга оширади.

2.2.6. "Буюртмачини"ни "Кўриқлаш" хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги хақида хабардор қилади.

2.2.7. Қўйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилинишини тўхтадади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) "Буюртмачи" хизматлар учун тўловдан камида 2 ойлик қарздор бўлса;

б) "Кўриқлаш" мажбуриятларини бажариш учун тўскинлик қилувчи техник сабаблар (объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарган бўлса, тармок 2 ёклама схемага ўтказилса, телефон ўчириб қўйилса, марказлашган кўриқлаш пункти тугатилса) пайдо бўлганда;

в) "Кўриқлаш"га "Буюртмачи" ўзгарганлиги хақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.4., 2.1.6. бандларида кўзда тутилган ҳолатлар бузилган бўлса.

2.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўскинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пултларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, "Объект"ни назорат учун қабул қилмайди, бу хақида "Буюртмачи"ни телефон орқали хабардор қилади.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ НАРХЛАРИ, ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартнома асосида "Буюртмачи" "Кўриқлаш"га кўрсатилган хизматлар учун смета ҳисоб-китобига мувофиқ "Объект"нинг назорат остида бўлиши соатбай қиймати ҳисобидан бир ойга 105993 (Бир миллион саккиз беш миңга тўққуз юз) сўм, миқдоридан тўловни малга оширади.

3.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов "Буюртмачи" томонидан хар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар смета ҳисоб-китоби ва "Кўриқлаш"нинг мазкур шартномага мувофиқ 1 ойда амалга оширилган соатбай хизматлар ҳисоби асосида амалга оширилади.

3.3. "Кўриқлаш"нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. "Кўриқлаш" томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ва жарима тўловлари "Буюртмачи" томонидан "Кўриқлаш" ҳисобини ёки хабарномани тақдим этганидан 10 кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

3.5. Мазкур шартнома бўйича юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар, томонларнинг келишуви орқали ҳал этилади, уларни ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда ҳудудий хўжалик судлари орқали кўриш учун берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. "Буюртмачи" нинг жавобгарлиги.

4.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган хар 1 кун "Кўриқлаш"га шартнома нархининг 0,4% миқдоридан умумий жарима миқдори кечиктирилганда сўмманинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

4.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар хақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдоридан қўшимча жарима тўлайди.

4.2. "Кўриқлаш" нинг жавобгарлиги.

4.2.1. "Кўриқлаш" кўриқлаш вақидан ташқари объектда бигона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

4.2.2. "Буюртмачи"га, ташвиш-сигнали берилганда милиция наряди етиб боришлиги таъминланади.